

2001-yil fevral oyidan
chiqa boshlagan

Buyuk kelajakni birga quramiz!

Ijtimoiy-siyosiy,
ma'naviy-ma'rifiy,
adabiy-badiiy gazeta

2025-YIL, IYUN,
№ 12-13 (546-547)

BUKHORO YOSHILARI

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ

БИРЛАШАЙЛИК!”



Видеолавҳани QR орқали кўринг.

Бухорода “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди. Фестиваль ёшларда бирлик, ҳамжиҳатлик, ижодкорлик, билимга чанқоқлик каби фазилатларни мустаҳкамлашга хизмат қилиб, уларнинг фаол ҳаёт позициясини шакллантиришга замин ярата олди.

Кераклилик – бахт

Ўзбек халқи – саховатпеша, оқибатли халқ. Барча инсонларга меҳр-муруват кўрсатади, етимларнинг бошини силайди, жисмоний нуқсонли борларни қўллаб-қувватлайди. Халқимизга хос ана шу одатлар ёшлар фестивалида ҳам ўзлигини намойиш этди. Ногиронлиги бўлган ёшларнинг, ҳунармандчилик йўналишидаги маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди.

– Бугун спорт мусобақаларидан тортиб, санъатгача, “Заковат” беллашувларидан тортиб, замонавий IT соҳасигача иштирокимиз таъминланди. Кераклилик – бахт экан. Мен шу бахтнинг бир бўлагиман! – деди Бухоро шаҳридаги 24-сонли кўриш бўйича имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси ўқувчиси.

Ёшлар муаммоларини ҳал қилиш – раҳбар бурчи

Фестиваль ўз лойиҳалари доамидида “Ватан ҳимояси – юксак масъулият” тушунчасини

тарғиб қила олди. Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган тадбирлар Бухоро шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмларда ҳам ташкил этилди. Учрашувлар ва давра суҳбатлари ёшларнинг ҳарбий соҳага бўлган қизиқишини оширди. Ҳарбий хизматчилар, ҳарбий билим юрти курсантлари билан учрашувлар шулар жумласидандир.

“2025 ўқув йилидан бошлаб мактабнинг юқори синфидаман. Қуйи синфларда ВЕН назоратида турганман. Бир куни синфимизга Бухоро вилояти ёшлар ишлари бошқармаси бошлиғи келди. Мендан: “Сенинг нима муаммонг бор?” деб сўради. Мен: “Ҳарбий бўлмоқчиман. Аммо, муаммо – менинг безорилигимда!” – дедим. Гапимга ҳамма кулди. Мен ва ёшлар ташкилоти бошлиғигина кулмадик. “Сен, албатта, ҳарбий бўласан! Мен сени бир куни ҳарбий қисмга етаклаб бораман!” – деди-да, чиқиб кетди. Шу билан икки-уч ой кўринмади. Куни кеча тонг саҳарлаб шу киши мактабда ёзги таътил бошлангани учун уйимизга келибди. “Сенга берган ваъдам бор. Сени ҳозир бир ёққа олиб бораман, бу сенга ҳарбий бўлишинг учун пойдевор бўлади”, – деди-да мени ўзи билан эргаштириб

кетди. Борган манзилимиз ҳарбий қисм экан. Биласизми, юрагим шунақа уриб кетдики... ҳарбий қисм остонасидан кириб, Ватанга, юртга бўлган туйғуларим ошди. Ҳарбий кийим кийдиришганида эса кўзларим ёшга тўлди. Ҳарбий қурол-яроғ, техника воситалари билан машқ қилдиришди. Курсантлар билан суҳбатда бўлдим. Мен, албатта, ҳарбий бўламан ва ўзгараман, дея ўз-ўзимга қарор қилдим. Мени жасоратга, дадилликка чорлаган ёшлар ташкилотидан миннатдорман”, – деди Бухоро шаҳридаги Н-сонли мактаб ўқувчиси Ибоджон Раҳимов.

Фестиваль доирасида ташкил этилган лойиҳалар маънавий жиҳатдан эркин ва озод бўлган ёшларнинг ҳаёт иродасини мустаҳкамлашда, эътиқодини юксалтиришда, жамият равнақи учун орзу-умид қилишдан чарчамасликка ва ўз мақсадларини амалга оширишда уларга куч бағишлади. Турли йўналишларда ўз имкониятларини синовдан ўтказган ёшлар ўз интеллектуал қобилиятлари, ташаббускорлик лаёқатларини кашф этишди.

Ёшлар ва мутасадди раҳбарлар иштирокида ташкил этилган юзма-юз учрашувларда етакчилар фаолиятида эришилган ютуқлар

баробарида мавжуд камчиликлар борлиги, уларни бартараф этиш вақти аллақачон етгани хусусида сўз борди.

“Юртимиз эгалари бўлган ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни қийнаётган ва таъшиллантираётган масалаларга қўлоқ тутуш, асосийси, ёшлар муаммоларини ҳал қилишга киришиш, эътибор кўрсатиш – ҳар бир мутасадди раҳбарнинг бурчи. Шу бурч ҳар бир лавозим эгаси зиммасига масъулият бўлиб юкланганки, бунга панжа ортидан қараш – юрт келажасига болта уриш билан баробар”, – деди Бухоро вилояти ёшлар ишлари бошқармаси бошлиғи Шавкат Раҳмонов ўз сўзида.

Учрашувда арзimas сабаблар билан ажралиш остонасида турган ёш оилаларни яраттириш, турли хориж давлатларига иш излаб кетаётган ёшларда тил ўрганиш даражасини ошириш, муомала маданиятини ривожлантириш, ёт ғоялар таъсирини тушиб қолмаслиги учун меҳнат муҳофазасини кучайтириш зарурлиги борасида мунозаралар бўлди.

Фестиваль лойиҳаларининг турли йўналишларида ғолиб бўлганлар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Ватан, сендан азиз нима бор қутлуг,
Сақлайин мен сени дудоқларимда.
Онамдай моҳрўё, боламдай гулруҳ,
Ватан вужудимда, тирноқларимда.

Ватан, сендан азиз нима бор қутлуг,
Кипригим учида асрайман сени.
Оймомо нуридан зарқийиқ тикиб,
Забардаст белингга боғлайман ҳали.

Ватан, сендан азиз нима бор қутлуг,
Изларингдан чопиб боради роҳат.
Эркнинг қучоғига бошини қўйиб,
Меҳр чаманида яшнар фароғат.

Ватан, сендан азиз нима бор қутлуг,
Юлдузлар севинчдан айтар тарона.
Ҳар майса, гиёҳнинг жондайин улуг,
Ватан, сен ҳамиша буюк, ягона!

Ватан, сендан азиз нима бор қутлуг...

Мухтасар Қодирова

АББОСБЕК – “ВАТАН ИФТИХОРИ” БЎЛДИ



Аббосбек Раҳимов болалигидан билимга чанқоқ, изланувчан ва ижодкор йигит бўлиб улғайган. Ҳозирда у Осиё Халқаро Университети тиббиёт факультетининг 2-босқич талабаси. У ўзининг аъло баҳолари ва фаоллиги билан устозлари ишончини қозонган.

- Тиббиёт соҳасини танлаганим инсонларга ёрдам бериш истагим билан боғлиқ. Одамларга соғлигини тиклаш, даволанишда уларга кўмак бўлиш ниятида тиббиёт соҳасини танлаган бўлсам, адабиётга меҳрим беморлар руҳига шифо беришга кўмак бўлиб хизмат қилади. Шу қизиқишим туфайли шеър ёзиш қобилиятимни ҳам шакллантирдим. Шеърларим Хоразм вилоятида чоп этиладиган “Турлан ҳаёти” газетасида ёритилган. Шунингдек, турли танловларда қатнашиш ҳам менга ўз устимда ишлашимга туртки беради. Яқинда МДХ миқёсида ўтказилган илмий-амалий кўрик танловда иштирок этдим. Мазкур танлов “Буюк мерос: Тарих, маданият ва миллий қадриятлар” мавзусида ўтказилган халқаро конференция доирасида ташкил этилган эди. Ўзимнинг илмий ишим билан фаол қатнашдим ҳамда ҳакамлар томонидан юқори

баҳоланишга муваффақ бўлдим. Натижада “Ватан ифтихори” кўкрак нишонига сазовор бўлиш насиб этди,-дейди Аббосбек.

Бу мукофот унинг билимдонлиги ва ватанпарварлигининг ёрқин ифодаси бўлди. Шеър ёзишга мактаб йилларидаёқ меҳр қўйган Аббосбекнинг илк қадамларида ҳам юксак ҳиссиётлар мужассам эди. Ватанга садоқат, ёшлик орзулари ва инсонийлик ғояси мавзулари шеърларида етакчи ўринда туради. Ижодкор сифатида у ҳаётда учрайдиган кечинмаларни поэтик тасвирлашга ҳаракат қилади. Икки соҳада ҳам доимий тарзда ўз устида ишлайди.

Китобхонлик эса ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб улгурган. Айниқса, тарихий асарлар ва фалсафий рисоаларни ўқишни яхши кўради.

– Бўш вақтимда ақлни чарклаш учун шахмат ўйнашни муҳим, деб биламан. Шу орқали ман-


тикий фикрлашни кучайтирганман,-дейди у.

Бундан англаш мумкинки, Аббосбек, нафақат, билимли, балки жисмонан соғлом бўлишга ҳам эътибор қаратади. Дўстлари уни камтар, самимий ва меҳрибон инсон сифатида таърифлашади. Аббосбек ҳар доим бошқаларга ёрдам қўлини чўзишга тайёр. Қолаверса, у жамиятдаги фаол ёшлар сафида муносиб ўрин эгаллаган. Келажакда у яхши шифокор бўлишни мақсад қилган. Шу билан бирга, ижодини ҳам давом эттирмоқчи.

Аббосбек ҳар бир муваффақият ортида меҳнат ва ирода ётишини яхши билади. У устозлари, онасининг ишончини оқлашга интилади. Шу ўйда ҳар бир кунни мақсадли ва режа асосида бошлайди. Ёшлигига қарамай, у анча пишиқ ва мулоҳазали. Аббосбек муваффақиятли ёшларнинг ёрқин намунасидир.

Кун иссиқ. Қўлида арқон тутган аёл қишлоқнинг ху-ув четидаги дарахт томонга судралиб борди. Кўзлари кўкарган. Билакларида калтак излари - қонталаш. Лабларидан сизиб чиқаётган қон иякларини ювиб ўтмоқда. Аёл дам қўлидаги арқонга, дам дарахтнинг бакувват шохларига узоқ тикилди. Лаблари сокин шивирлади: “Болаларим, кечиринг!”

Паришон ҳаёллари кутилмаганда, ортидан пайдо бўлиб қолган қайнотасининг қичқирғидан тарқалиб кетди. “Тўхта, қизим. Уч норасиданинг уволига қолма. Нотавон эринг учун – ўғлим учун мени кечир, болам!”-жонинининг қўлидаги арқонга жонхалатда ёпишиди қайнота ва ҳўнгиллаб йиғлади.



Видеолавҳани QR-код орқали кўринг



Умиджон Умаров: “ЭЪТИБОРГА МУҲТОЖЛАР ТАҚДИРИГА БЕФАРҚ ҚАРАЛМАЙДИ”

Аёл елкалари силкиниб-силкиниб кўз ёш тўкаётган ва салкам ёши саксонларга етиб қолган қайнотасини нимбағирлаб, уни овутишга тушди.

“Мени отам, дегансан-ку, қизим. Ҳеч замонда қиз ҳам отасини доғда қолдириб кетадими, болам. Ўлим – энг осон йўл. Аллоҳим сену менга, невараларимга шуни синов қилиб берибди. Хайрлиси келар болам, хайрлиси келар. Бир оёғим гўрда қолганда, ортингдан увуллаб қолган болаларинини қандай оёққа турғизаман...”-хўрлиги келиб йиғлади яна қайнота.

“Кечиринг, ота! Бошқа қайтарилмайди. Аммо, жонимдан ўтиб кетди...”-аёл ҳам кўзёшга чўқди.

“Юр, қизим, юр, ўзим сени участка нозирига бошлаб бораман. Хат-қаламингни қил...”-ҳазин сўзлади қайнота.

Бухоронинг Шофиркон туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, спиртли ичимликка ружў қўйиб, аёли, уч фарзанди ҳамда кекса отасига зўравонлик билан тазийқ ўтказиб, сурункасига уларни калтаклаб келаятган фуқаро Р.Д.нинг хатти-ҳаракатларига чек қўйилган. Аёлга “ҳимоя ордери”нинг берилгани унинг фарзандлари бағрида хавотирсиз яшашига сабаб бўлган.

“Ота-онам йўқ. Қайнонам вафот этгач, жисмоний нуқсони бор кекса қайнотам ҳам ўғлининг тазийқида қолди. Зўрга ўзини судраб юриб, ҳассага таяниб қолган қайнотамнинг менга қўшиб, болаларимни ҳам калтаклайдиган ўғлига кучи етмасди. Охири ўз жонинга суиқасд қилиш йўлини танлагандим... йўқ, маҳаллага, участка нозирига билдирдик. Ўзимга ҳам, қайнотамга ҳам “ҳимоя ордери” беришди”,-дейди Ш.Д.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Бухоро вилояти бошқармаси бошлиғи Умиджон Умаровнинг билдиришича, тазийқ ва зўравонликка учраган хотин-қизлар томонидан 2 285 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 2 279 нафарига ҳимоя ордери берилган. “Инсон” марказлари томонидан уларга 1 447 та турли хизматлар – психологик, ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдамлар кўрсатилган. Тиббиёт бирлашмаларда фаолият юритувчи Бирламчи кўмак хоналарига 93 нафар тазийқ ва зўравонликка учраган шахслар: 55 нафари хотин-қизлар, 38 нафар вояга етмаган болалар жойлаштирилган.

(давоми 8-бетда)

КИТОБ ЎҚИГАН БОЛАДАН ЁМОНЛИК ЧИҚМАЙДИ

Китоб – замонлар кемасида саёҳат қилаётган ва ўзининг қимматбаҳо юқини авлодлардан авлодларга ташиётган буюк ҳикмат кемасидир. У инсон тафаккури, қалб ва руҳиятининг инъикоси, тарих, илм-фан ва маънавиятнинг энг муҳим манбаидир. Ҳар бир халқнинг юксалиши, аввало, унинг китобга бўлган муносабати билан белгиланади. Аждодларимиз “Ўқиш – нур, ўқимаслик – зулмат”, дея бежиз таъкидламаганлар.

Афсуски, бугун айрим ёшлар орасида китобга бўлган қизиқиш сусайиб бормоқда. Бу ҳолатга интернет, ижтимоий тармоқлар, турли хил ўйинлар сабаб бўлаётгани ҳеч биримизга сир эмас. Аммо, шуни унутмаслигимиз керакки, виртуал дунё – бу вақтинчалик завқ, шу билан биргаликда, умр заволи, китоб эса – абадий маърифат манбаи.

Китоб, айниқса, ёш авлод тарбиясида беқиёс ўринга эга. Зеро, фарзанд тарбияси оғир ва масъулиятли. Чунки, фарзандлар ота ва оналарининг кўзгуси ҳисобланади. Бу жараёнда китоб – энг яқин ёрдамчи. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, мактаб ёшидаги ўқувчиларда китобхонлиқни рағбатлантириш – уларнинг келажакдаги ютуқлари учун пойдевор яратади. Китобга ошно бола эса билимга чанқоқ, маърифатга интилувчан, юртга муносиб

инсон бўлиб етишади. Президент Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда: “Китоб ўқиган боладан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди”.

Бугун юртимиздаги олий таълим муассасаларида ҳам китобхонлик маданиятини тарғиб қилиш йўлида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Бухоро давлат университетида талабаларни китобга ошно қилиш, уларни мустақил фикрловчи, кенг дунёқарашли шахс сифатида шакллантириш мақсадида кўплаб тадбир ва лойиҳалар йўлга қўйилган.

Мазкур сазй-ҳаракатларнинг ёрқин мисоли сифатида “Зукко китобхон” танловини келтириш мумкин. Бу танлов ҳар мавсумда ўтказилади. Унда турли факультетлардан жамоалар ўз билимларини синовдан ўтказадилар. Танлов саволлари бадий асарлардан тузилган бўлиб,



иштирокчилар бу асарларни пухта ўрганиб чиқишини тақозо этади.

Китобхон жамият – бу онгли жамият. Шу боис, ўқитувчилар, ота-оналар, жамият – барчамиз китобхонлик маданиятини шакллантиришда бирдек масъулмиз.

Гулрух Сатторова,
Бухоро Давлат университети
3-босқич талабаси.



Видеолавҳани QR-код орқали кўринг

“Дардингни сев”: ҳаётни ўзгартирган китоб ҳақида

Замон қандай ўзгаришидан қатъий назар, китоб инсоннинг энг яқин дўсти бўлиб қолаверади. Ҳар бир саҳифа бизни янги дунёлар сари етаклайди, айниқса, руҳий ўзгаришлар ва ички уйғонишга сабаб бўладиган асарлар шундай кучга эга. Китоб ўқиш инсоннинг, нафақат, ақлини, балки қалбини ҳам бойитади. Айнан шундай асарлардан бири – Валерий Синелниковнинг “Дардингни сев” номли китобидир.

Ушбу китобни ўқимагунимча, танамдаги касалликларга ёт нарса сифатида қарардим. Уларни йўқотишга уринардим, уларни душман, деб билардим. Лекин, бу китоб менинг бутун қарашларимни тубдан ўзгартирди. Энди англадимки, касаллик бу нафратланадиган ҳодиса эмас, балки танамизнинг бизга юборган сигналidir. У ниманидир нотўғри қилаётганимизни эслатади, биздан кўпроқ эътибор талаб қилади. Ҳар бир дард – бу ички оламимизда мувозанат бузилганидан далолат.

Энг қизиги, бу китоб мени, нафақат, соғлигим, балки келажаким ҳақида ҳам ўйлантирди. Ўқиб бўлганимдан сўнг, мен ўзимни психология соҳаси билан боғламоқчи эканимга амин бўлдим. Чунки, бу соҳага кириб, одамларнинг оғриқларини, уларнинг руҳий ҳолатини англаб, уларга ҳам китобдаги каби ёрдам бера олишни истайман. Касалликка қарши курашиш эмас, уни тушуниш, англаш ва ўзгартриш – бу мени ҳаётим чакқиримга айлана бошлади.

“Дардингни сев” – бу оддий тиббий ёки мотивацион асар эмас. Бу – ўзгаришлар китоби. У одамга дард орқали ўзини англашни, ички диалог ўрнатишни, ҳаётга бошқа нигоҳ билан қарашни ўргатади. Агар сиз ҳам ўзингизни эшитишни, танангизни тушунишни истасангиз – бу китобни, албатта, ўқинг. Балки, сиз ҳам ўз дардингизга меҳр билан қарашни ўрганарсиз.

Марҳабо Иномжонова,
БухДУ талабаси.

Кўчаларда ётган чиқиндилар:

ТОЗАЛИК “СИГНАЛИ” ЎЧЯПТИМИ?

Шаҳар кўчаларини айланиб юриб, одамларнинг тозалikka бефарқ бўлиб бораётганига яна амин бўлдим. Кўчалар, йўлаклар атрофи чиройини чиқиндилар бузиб турибди. Қизиқ томони шундаки, бу чиқиндилар махсус ахлат қутиларда эмас, балки уларнинг атрофида, пиёдалар йўлагиди, ҳатто, йўл четида ёйилиб ётарди: асосан, пластик идишлар, қоғоз қолдиқлари, пакетлар ва айрим жойларда бузилган маиший техника парчалари. Балки, баъзи тенгдошларим бунга шунчаки кўз юмиб ўтиб кетаётгандир. Аммо, мен бефарқ бўлолмадим.



Видеолавҳани QR-код орқали кўринг

“Боғидашт” маҳалласида бўлиб, шаҳарнинг марказий ҳудудида катта-катта уюмга айланган чиқиндиларга дуч келдим. Бу ахлат уюми одамлар чиқинди ташлагани, шамол билан учиб келгани ёки бошқа қайси сабаб билан пайдо бўлганидан, қатъий назар масъулларнинг масъулиятсизлиги кишини ўйлантиради. Қолаверса, энг кўп чиқинди бор ҳудуд атрофида бир эмас, бир нечта дўкон ва овқатланиш шохобчалари фаолият юритади. Наҳотки, ўзи ҳар кун ишга келаётган, ҳавосидан нафас олаётган майдон атрофини тозалаб қўйишга уринишмайди?!

Афсуски, бу ҳолат экологик муаммоларнинг, нақадар, кенг кўламга эга бўлиб бораётганини яна бир бор исботлайди.

Маълумот ўрнида: кўчаларда ётган бундай чиқиндилар узоқ вақтгача ерга сингмайди. Масалан, пластик бутилкалар 450 йилгача парчаланмасдан қолар экан. Полиэтилен пакетлар эса 100 йилдан ортиқ вақт давомида табиатда сақланиб қолади. Бу орада улар

тупроқни заҳарлайди, ўсимликлар ўсишини секинлаштиради, ҳайвонлар уларни еб қўйса, ҳалок бўлади.

Чиқиндилар масаласи кўп ҳолларда оддий ахлоқсизлик натижаси сифатида намоён бўляпти. Яъни одамлар чиқиндини масъулият билан белгиланган жойга ташламайпти. Кўп ҳолларда аҳоли чиқиндиларни тўғри фарқлай олмайди. Ахлат қутида ёзиб қўйилган бўлишига қарамай, органик, пластик, шиша, металл каби турларга ажратиш кераклигини тушунишни ишташмайди. Бу эса чиқиндиларни қайта ишлаш имконини камайтиради.

Маълумот ўрнида: ҳар йили дунё бўйлаб 430 миллион тонна пластик чиқинди ишлаб чиқарилади. Бу чиқиндиларнинг катта қисми денгиз ва океанларга тушиб кетади. Натижада дарёлар, кўллар, денгизлар тубида пластиклар тўпланади, уларни ютиб

юборган балиқлар ва бошқа денгиз жониворлари нобуд бўляпти. Ўз навбатида бу балиқлар инсонлар овқат сифатида истеъмол қиладиган озиқ-овқат занжирига ҳам зарар етказади. Сувга ташланган чиқинди ўзини тезда кўрсатмаса-да, унинг оқибатлари кечиккан ҳолда юзага чиқади. Масалан, чиқиндилар сувнинг таркибини ўзгартиради, кислород миқдорини камайтиради, микроорганизмлар ҳаёт фаолиятига зарар етказади. Оқибатда эса сувда яшовчи тирик мавжудотлар сони камайиб, баъзида бутун экотизим издан чиқади.

Кўчаларда ахлатлар ётибди, деганда бу фақат эстетика ёки тозалikka оид муаммо

эмас. Бу бутун бошли экологик тизимнинг издан чиқиши учун сабаб бўлиши мумкин бўлган сигнал. Оғриқлиси, бу “тозалик “сигнали” ўчяптими?” деган саволни туғдиради. Шунинг учун ҳар бир фуқаро чиқинди маданиятини шакллантириши, фарқлаш, ажратиш, қайта ишлаш ҳақида тушунчага эга бўлиши ва энг оддий қадам — ахлатни белгиланган жойга ташлашни одат қилиши зарур.

Бу муаммо бирдан ҳал бўлиб қолмайди, аммо, ҳар ким ўзидан бошласа, шаҳарларимиз, дарёларимиз ва ҳавомиз аста-секин тозалана бошлайди.

Марҳабо Иномжонова

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ БОШҚАРУВ КУЧИ

Куни кеча бекатда автобус кутиб турсам, бехосдан икки дугонанинг суҳбатини эшитиб қолдим. Уларнинг гап-сўзлари мени ўйлантириб қўйди:

- Эшитдингми, икки кундан кейин ер қаттиқ зилзиладан бўлиниб кетар экан?- деди оқ-сарик кўйлакли аёл.

- Йўғ-ей, ким айтди? Бўлмаган гап-жавоб қайтарди китоб кўтарган аёл.

- Вой, рост. Кеча телеграм тармоқларида ўқидим. Бутун “интернет”да шу мавзу-ку! Мен керакли ҳужжатлар: уй-жой, паспорт ва бошқаларини ёнимда олиб юрибман. Қўшниларимга ҳам айтдим, улар ҳам эҳтиётларини кўришяпти.

- Қўйсанг-чи, бу хабарга менинг ҳам кўзим тушгандек бўлганди. Бундай хабарлар одамлар орасида фақатгина ваҳима уйғотиш учун тарқатилади. Ишонма...

Ҳақиқатдан ҳам кишини саросимага солувчи янгиликларни ижтимоий тармоқларда кўп кузатамиз. Ваҳимали хабарлар хоҳ рост, хоҳ ёлгон бўлсин, фойдаланувчиларнинг руҳиятларига таъсир қилмай қолмайди. Қолаверса, оммавий ахборот воситалари орқали ёритилаётган турли воқеликлар ҳам бундан мустасно эмас. Айтмоқчиманки, ОАВ замонавий жамиятда энг кучли ижтимоий таъсир ўтказиш имконига эга. Шунингдек, у орқали, нафақат, ахборот узатилади, балки одамлар онгини, кайфиятини ўзгартира олади ва ҳатти-ҳаракатларини бошқаради. Сўнгги йиллар

да коронавирус пандемияси, урушлар, табиий офатлар ва сиёсий воқеалар ваҳима келтирувчи сарлавҳалар ва манипуляцион усуллар билан оммага етказилмоқда. Ҳаттоки, ОАВда айтилиши муҳим бўлмаган миш-мишлар дунё тармоқларида тарқалаётгани сир эмас. Кўпроқ пул топиш, ўзини яхши кўриш, одамларга “йўқ” деб айта олиш “санъати”ни тарғиб қилувчи манбалар жамиятни бора-бора худбинлашиб боришига сабаб бўлмоқда. Назаримда, бугун дунёда кенг реклама қилинаётган бой бўлиш имкониятларини руҳшуносларнинг таъсирли сўзлари асосан, ёшларнинг бойлик ортидан сабрсизлиги билан “югуриш”лари кераклигини уқтираётгандек. “Мен мана шунча пул ишлаб топдим. Сиз ҳам уddenлайсиз!” мазмунидagi фикрлар “бошқалар шундай қилмоқда, сен ҳам шундай қил!” гоёсини пайдо қилиб, “bandwagon” - оммага эргашишни келтириб чиқармоқда. Масалан, ўзимдан 10 ёш кичик жияним аллақачон касбларнинг рўйхатини тузиб, қайсидан қанча маблағ топиш мумкинлигини ёзиб чиқибди. “Мен ўзимга керак бўлган иккита фанни ўқисам бўлди. Қолгани керак эмас, даромад бермайди”, - дейди. Ҳали йигирмага қирмай туриб муаммога ечим – ўлим, деб танлов қилаётганлар пул топишда билимдону маънавий “қашшоқ” бўлиб қолаётганига ачинасан, киши. Мана шу ўринда, яна 14-15 йилдан кейин шаҳримиз, ватанимиз ва бутун дунёда салоҳияти қай даражада бўлган одамлар яшаши мумкинлигини тахминан тасаввур



қиламан. Бунда, айниқса, рақамли журналистиканинг ўрни ва таъсири юқори туради. Чунки, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар бугунги кунда инсон ҳаётининг ажралмас қисмига айланган.

Тонг телефониимиздаги янгиликларни ўқиш билан бошланар экан, тунда ижтимоий тармоқларда ахборот оқими ичида қоламиз. Бу ахборотлар маълумот берибгина қолмай, инсоннинг ҳиссиётига, қарорларига таъсир кўрсатади. Айниқса, сўнгги йилларда ОАВ

орқали кўрқув, ваҳима ёки нотўғри тасаввур шакллантириш ҳолатлари кўпаймоқда.

Ахборот воситаларининг манипуляцион кучи бу - одам онгига бевосита таъсир кўрсатиб, уларни ўзига керакли қарорга олиб келишидир. Бунда янгиликларни турли усулларда ёритиш “урф”га айланмоқда. Улардан бири “clickbait” - эмоционал сарлавҳалардан фойдаланиш. Масалан: “Даҳшатли воқеа!”, “Хавф яқин!” каби сарлавҳалар ўқувчида дарҳол ҳиссий реакция уйғотади. Бу эса хабарнинг ҳақиқий мазмунидан кўра, кўрқувни кучайтиради, албатта. Шунингдек, “framing” усули, яъни воқеани қандай “рамкада” кўрсатиш ҳам руҳиятга таъсир етувчи йўللardan биридир.

Яна бир усул — сонли фактлар билан кўрқитиш: “Сўнгги 24 соатда 1000 киши вафот этди”. Бу рақамлар тўғри бўлиши мумкин, лекин контекстдан ажратилган ҳолда берилса, одамлар орасида ваҳима пайдо бўлади. Масалан, пандемия даврида айрим сайтлар доимий равишда салбий статистикаларни сарлавҳаларда келтириб, одамлар орасида хавотир кучайишига сабаб бўлган. Ҳатто, ижтимоий тармоқларда нотўғри маълумотлар тарқалиб, дориларни кераксиз равишда сотиб олиш ҳолатлари кўпайган.

ОАВнинг инсон онгига таъсири юқори экан, бу имконият масъулиятли ёндашувни талаб қилади. Ваҳима тарқатиш ёки манипуляция қилиш жамиятда стресс, ишончсизлик ва ижтимоий беқарорликни кучайтиради. Шу сабабли ёритилаётган ҳар бир воқеликда муаллифнинг назорати маъқулдир. Қолаверса, медиа саводхонлик дарслари фақатгина ОАВ ходимлари, журналистлар учун эмас, ўқувчилар учун ҳам олиб борилса, ҳар қандай хабарга танқидий ёндашишни ўргатиш мумкин.

**Зулфизар Мавлонова,
“ВУО” газетаси мухбири.**

“Бухоро вилояти телерадиоканали” давлат муассасаси директори Обид Шабанов билан эксклюзив суҳбат



Видеолавҳани QR орқали кўринг.

“...ЖУРНАЛИСТНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ ХОЛИСЛИКНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ...”

Суҳбатдошимиз: Обид Шабанов - журналистика соҳасида кўп йиллик тажрибага эга, ўзининг ҳаққоний ёндашуви ва фидо-корона меҳнати билан танилган. Долзарб мавзуларни ёритишдаги дадиллиги ва таъсирчан чиқишлари ёш журналистларга илҳом бўлган. Унинг ҳаёт йўли журналистлар учун ибратли мактабидир.

- Фаолиятдаги ҳаёт йўлингиз, журналистика соҳасидаги изланишларингиз биз учун қизиқ...

- Журналистлар оиласида туғилганман. Опаларим Солиҳа ва Назира Шабанованинг соҳада алоҳида ўринлари бор ва эришган ютуқлари талайгина. Мен уларнинг фаолиятларини кузатганман ва биргаликда таҳририятларга борганман. Газета чиқарган пайтларида мен ҳам бирга бўлганман. Кичик-кичик ҳикояларимни маҳаллий газетада бериб боришган. Шунда катта қизиқиш билан мактабни тугатгач, журналист бўлишни кўнглимга туганганман. Оиламиздаги ижодий муҳит сабаб уйимдагилар ҳам менга қарши бўлишмаган. Сиртқи таълимда ўқиб, дастлаб маҳаллий ва кейинчалик вилоят радиосида фаолиятимни бошлаганман.

- Демак, соҳа бўйича дастлаб амалий билимларни эгаллагансиз ва бу энг муҳими!

- Ҳа, тўғри таъкидладингиз, амалиёт уйда бўлган ва шу билан баробар тарзда ҳам ўқиб, ҳам ишлаб малакамни оширганман. Бухоро телевидениеси энди иш бошлаган пайтларида мен ҳам фаолиятимни бошлаганман. Самандар Воҳидов, Аминжон Шукуров сингари устозлар мени ишга таклиф қилишган.

- Биринчи кўрсатув ёки лавҳангизни эслай оласизми?

- Радиодаги эшиттиришларимни эслайман, газетада кичик мақолаларим чоп этилгани ёдимда. Ўша пайтларда 25 дақиқача маҳаллий ҳаётни ёритиб борардик. Илгари телевидение вилоятда Радио уйи сифатида қурилган бўлса, кейинчалик телевидение сифатида фаолиятини давом эттирган. 1993-1994 йилларда илк сигналларини узатган, эфирга чиқа бошлаган. Бу йил эса фаолиятни бошлаганига 30 йилдан ошиб қолди. Радиого эса 90 йил илгари асос солинган. Тарихга тўхталадиган бўлсам, ҳозирги Бухоро телевидениеси биносида радио эшиттирув 1983-1984 йилларда илк эфирини узатган. Дастлаб, бир соатлик эшиттирув бўлса, аста-секинлик билан эфир вақти узайиб борган. Орадан ўн йил ўтиб, ҳокимлик ташаббуси билан телевидениега асос солинди.

- Жамият ҳаётида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни аниқлик, ҳаққонийлик ва холислик билан оммага етказиш катта масъулият. Бу жараёнда ортга чекиниш, шу мавзунинг ёритмаслиги истаги пайдо бўлиб қолиши мумкин. Сизда шундай ҳолатлар кузатилганми?

- Журналист, авваламбор, танлаган мавзусини обдон ўрганиб чиқиши керак. Ёритмаслик истаги ички цензурадан, деб ўйлайман. Бу ҳолатлар менимча, кўпчиликда кузатилган. Лекин, шу мавзуларга ҳам сайқал бериб ва қайта-қайта кўриб чиқиб, эфирга бериш чораларини кўриш мумкин. Баъзида шундай кадрларимиз бўладики, улар монтаж столимизда қолиб кетади. Ора-

лардик. Шунга қарамай, иштиёқ билан ишлаб келганмиз, - дейди журналист Матлуба Одинаева.

Устозимиз Обид Шабанов FM103 радиотўлқинни тўғрисида тўхталди.

- Студияда доимий жонли ҳаёт уфуриб туради. Ҳар бир ходим эфирни мукамал тарзда узатиш ҳаракатида бўлади. - Радио FM103 тўлқинига ўтганидан буён мух-

- Телеканалимиз мамлакатда кечаётган ислохотларни ёритар экан, бунда биз биринчи навбатда ҳолисликка ва ҳаққонийликка таянамиз. Сабаби, аксарият манбаларни олишда Ўзбекистон миллий ахборот агентлигига таянганимиз учун бошқа телеканаллар “Ўзбекистон 24” дан иқтибос олади ва бизни хато қилишга ҳаққимиз йўқ,-дейди Суҳроб Шеров.



дан вақт ўтиб, унда бугунги кун нафасини яратиб, томошабинларга ҳавола этишга ҳаракат қиламиз. Қолаверса, фуқаролардан турли мавзуларда мурожаатлар келиб тушади. Кўп ҳолатларда икки томон фикрини олишда журналист балансни сақлашга уринаётган бир пайтда, қайсидир томоннинг фикрини билишда қийинчилик бўлганда, материаллар эфирга узатилмай қолиши мумкин. Аммо, биз суриштирувни, албатта, охиригача етказамиз. Шунга қарамай, журналистнинг энг асосий вазифаси - холисликни сақлаб қолиб, ёритаётган мавзусини чуқур ўрганиб чиқиши керак.

Шундан сўнг суҳбатдош билан телевидениенинг радио бўлимига бордик ва сўнгги йилларда радиоэшиттиришлар олиб борилаётган хонада қандай ўзгаришлар амалга оширилгани билан қизиқдик. Тажрибали радиожурналист Матлуба Одинаевани суҳбатга чорладик.

- Ҳозирги студия олдингисидан катта фарқ қилади. Илгари эфир вақти 2 соат давом этган бўлса, ҳозирда эшиттиришлар 24 соат давомда мухлисларга ҳавола этилади. Бунда 4 соат жонли эфирда дастурлар олиб борилади. Қолган соатларда тайёр эшиттиришлар узатилади. Бу вилоятимиз учун катта ўзгариш. Чунки, бутун дунё вилоят радиосини онлайн эшитиш имконига эга. Техник воситаларга тўхталадиган бўлсак, ўзгаришлар жуда ям катта. 30 йил олдин махсус ленталар бўларди ва агар у кимнинг қўлидан тушиб кетса, узоқ масофадан шу лентани йиғиб ке-

лислар сони ортиб бораёпти. Ранг-баранг эшиттиришларни ўзбек, рус ва тожик тилларида олиб боришяпти. Бундан ташқари, телевидениеда 18 йил аввал жиҳозланган катта студияларидан бирида режиссёрлар, видеоинженерлар, навбатчи муҳаррирлар ва овоз режиссёрлари жонли эфирни тақдим этишади. Аҳоли билан телевидение алоқа ўрнатади.

- Жонли эфирни олиб бориш катта масъулият талаб қилади. Сўзлар ёддан чиқиши ёки адашиб кетиш мумкин. Сизда ҳам шундай ҳолатлар бўлганми?

- Албатта, бўлади. Бунинг тўғри қабул қилиш керак. Камчиликларга йўл қўймаслик учун пухта тайёргарлик кўриш лозим. Бундан ташқари, информацион дастурларни олиб борганда, телесуфлёрдан фойдаланилади ва телесуфлёр бўлишдан қатъий назар, журналистнинг олдида, албатта, сўзларнинг матни бўлиши керак. Мабодо, телесуфлёр ўчиб қолса, матндан фойдаланиш мумкин.

- Жонли эфирда хато қилмаслик учун машқлар борми?

- Жуда кўп. Техника ривожланган бир пайтда онлайн тарзда, интернет орқали устозлар билан билимларга эга бўлиш мумкин. Бир қанча фойдали адабиётлар нашр қилинган. Ўзбек ва хориж журналистикасидан ўрганиб, маҳоратли журналистлар фаолиятини кузатиб бориш муҳим.

“Ўзбекистон 24” дастури учун лавҳа тайёрлаш студиясида ҳам бўлди ва журналист Суҳроб Шеровни суҳбатга тортдик:

Кўрсатув ва дастурлар монтаж бўлимида ҳам бўлди ва айтиш керакки жараёнида мутахассисларнинг фикрини тингладик.

Моҳир Юсупов монтажни яқунлаш учун кечгача қолиб кетган ёки тонггача ишлаган кунларимиз бўлган. Лекин, қанчалик қийинчилик туғдирмасин ишимдан завқ оламан. Обид Шабанов эса ўз сўзлари билан бизга куч бериб, илҳомлантиради. Тонггача қолиб ишласак-да вақт ўтганини сезмай қоламиз, - Нодир дейди.

Устоз журналист Зухра Рамазонава ҳам ўз қарашларини баён этди:

- Бухоро телерадиоканалияси хузурида “Издош” тўғраги ташкил қилинган. Устозшоғирд анъанаси давом этаётгани натижасида жамоада ёшлар сафи кенгайди ва журналистикада маҳоратли кадрлар етишиб чиқмоқда.

Бухоро телевидениесида 45 йилдан буён фаолият юритиб келаётган Меҳрибон Зарипова кўп йиллик меҳнатини шундай изоҳлади:

- Инсон ўзи сўйган касб билан шуғулланса, ичига кириб борса, жамоаси оиласига айланиб қолади. Шахсан ўзим ҳар бир кўрсатувни фарзандимдек кўраман. Одамлар телевизорни эъзозлаб, унинг тўрига чиқариб қўйишди ва айнан шунинг учун ҳар ишимга астойдил киришаман. Обид Шабанов бу йўлда ҳар сафар бизга мотивация ва янги ғояларни таклиф қилади. Бу эса халқчил материал тайёрлашимизга кўмак бўлади.

(давоми 8-бетда)

Давлатнинг иқтисодий қудрати унинг бюджети ҳисобланади. Бюджетнинг асосий қисмини эса солиқлар ташкил этади. Солиқлардан тушган пуллар мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантиришга сарфланади. Солиқларни тўғри ҳисоблаш ва уларнинг тўланишини таъминлаш эса солиқ органлари зиммасига юклатилган.

Бухоро вилояти солиқ бошқармаси бошлиғи Дилшод Юлдашевни солиқ маъмурчилиги, солиқ органларига юклатилган вазифалар, тизимдаги ижобий ўзгаришлар, солиқ тўловчиларга берилган энгилликлар, яширин иқтисодиёт ҳамда солиқ маданияти хусусида атрофлича суҳбатлашдик.



этноқда. Бундан ташқари, Бухорода махсус рўйхатдан ўтган ҚҚС тўловчилар сони 15 290 тадан ортди. Ўтган йилнинг мос даврида вилоятдаги ҚҚС тўловчилар сони 13 065 та эди. Ушбу йўналишда ўсиш динамикаси 2024 йилнинг 1мартига нисбатан 2,7% ни ташкил этапти.

Мухбир: Кейинги пайтларда “чемпион тадбиркор” атамасига дуч келмоқдамиз. Ўзи “чемпион тадбиркор”лар кимлар, улар қандай танланади ва уларга қандайдир энгилликлар бериляпти?

Дилшод Юлдашев: Кичик ва ўрта бизнес субъектларини йириклаштиришга оид янги дастур ишга туширилди. Унга кўра, йиллик айланмаси ва яратган иш ўринлари сонига қараб, бизнес эгалари орасидан “чемпион” тадбиркорлар рўйхати шакллантирилади. Президентимизнинг “Кичик ва ўрта бизнес”нинг иқтисодиётдаги ўрнини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида кўра, кичик ва ўрта бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 55 фоизга, саноатда – 34 фоизга, аҳоли банд-

СОЛИҚ ТўЛАШ – МАЖБУРИЯТ ЭМАС, КОНСТИТУЦИЯВИЙ БУРЧ

Мухбир: Оммавий ахборот воситалари ва барча жамоатчилик вакиллари учун очиқлигингиз ва уларни қизиқтираётган саволларга жавоб беришга доим тайёрлигингиз бизни қувонтиради.

Дилшод Юлдашев: Аввало, таклиф учун раҳмат. Очиқлик, шаффофлик ҳақида гапирдингиз, бугун, нафақат, мен балки мамлакатимизда юртбошимиз бошчиликларидида олиб борилаётган оқилона ислохотлар туфайли барча бўғиндаги раҳбарлар, яъни давлат хизматчилари барча учун очиқ бўлиши керак, деб ўйлайман.

Мухбир: Маълумки, 2018 йил “Ўзбекистон Республикасининг солиқ концепцияси, ундан кейин Янги таҳрирда Солиқ кодекс қабул қилинди. Сир эмас, ушбу амалий ҳаракатлар кейинги йилларда ҳам давом эттирилиб, тизимнинг имижини бутунлай ўзгартирилди. Яъни, ушбу ташкилот илгаригидай текширувчи, жазоловчи орган эмас, балки “Солиқчи – тадбиркорга кўмакчи” тамойили асосида иш юритувчи солиқ тизимига айлантирилди. Соҳа ходимлари “Корхонабай” ва “Маҳаллабай” ишлаш тизимига ўтган. Хўш, ушбу амалий сазй-ҳаракатлар Бухоро вилояти мисолида қандай натижаларни кўрсатмоқда?

Дилшод Юлдашев: Фаолиятимиз билан боғлиқ барча маълумотларни ОАВ ва жамоатчилик вакиллари турли йўналишларда етказиб бораёلمиз. Тадбиркорлар, жамоатчилик вакиллари билан алоқада бўлиб, юзага келаётган айрим муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш мақсадида расмий каналларимиз орқали ойида икки маротаба мулоқотларни йўлга қўйганмиз. Тадбиркорларнинг муаммоларини тезкорлик билан ечиш ва уларнинг барқарор фаолият юритишларига кўмаклашиш мақсадида “Tadbirkor va Soliqchi-ko‘makchi” гуруҳини ташкил қилганмиз. Ушбу телеграм тармоғи орқали жорий йилнинг шу кунигача жами 400 га яқин мурожаатлари ижобий ҳал этилиши таъминланди. Соҳадаги ўзгаришлар, натижаларга келадиган бўлсак, “Корхонабай” ва “Маҳаллабай” ишлаш тизими орқали солиқ органлари ходимларининг тўғри тушуниришлари ва амалий ёрдамлари ҳисобига жойларда фаолиятини вақтинча тўхтатган, уйда норасмий ёки бошқа жойларда яширин иқтисодиёт билан шуғулланаётганлар қонуний тадбиркорлик фаолиятининг афзалликларини тушуниб, ҳеч қандай жазо чораларисиз қонуний ишлашга ўтмоқдалар. Бу амалий ҳаракатларимиз, албатта, солиқ базасини кенгайтиришда ўз самараларини кўрсатмоқда. Масалан, Бухорода ўзини ўзи банд қилган шахслар (2025 йил 1 май ҳолатида) 288,3 мингтага ва яқка тартибдаги тадбиркорлар сони қарийб, 18 мингтага етди. Шунингдек, 2025 йил 1 июнь ҳолатида фаолият кўрсатаётган юридик шахслар сони 32 919 тани ташкил



Видеолавҳани QR орқали кўринг.

лигини таъминлашда 75 – фоизга етказиш, камиди 600 нафар кичик ва ўрта бизнес субъектларининг йириклашишига кўмаклашиш орқали уларни “чемпион” тадбиркорларга айлантириш кўзда тутилган. Тадбиркорларга эса қатор энгилликлар ҳам бериляпти. Жумладан, Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида 50 миллион сўмгача, Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш комплекс дастури доирасида – 150 миллион сўмгача гаровсиз кредитлар ажратилади.

Мухбир: Сизни кўп кузатамиз, жамоатчилик вакиллари, журналистлар ва фуқаролар билан учрашувларингизда маҳсулот



харид қилгач, харид чекини олиш ва уни кенг тарғиб қилишимиз кераклигини қайта-қайта эслатасиз. Бирок, баъзи ҳолларда сотувчилар чек бермаслик учун турли баҳоналар қилишади. Бундай вазиятда фуқаролар қандай йўл тутишлари керак?

Дилшод Юлдашев: Харидорларни чек олишга ундашни тўхтатмаслигимиз керак. Биз учун оддийгина кўринган мана шу харид чеки кўплаб кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олишга асос бўлади. Дейлик, харидор сотиб олган маҳсулот сифатсиз ёки истеъмолга яроқсиз бўлиб чиқса, уни қайтариб олишда айрим тадбиркорлар эътироз билдириши мумкин. Бундай ҳолларда табиийки, истеъмолчининг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилишда ана шу биз айтаяётган харид чеки ёрдамга келади. Кези келганда, айтиб ўтиш керак, чек беришни рад этиш ёки бермаслик Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 221-моддасига мувофиқ, 5 миллион сўм миқдоридида жарима солинишига сабаб бўлади. Айтиш жоизки, харидорлар ҳеч иккиланишларсиз савдодаги муаммоларни дадил кўрсата олишлари керак. Зеро, солиқдан қочишининг ҳар қандай ҳолатларига қарши туриш ҳам ватанпарварликдир!

Мухбир: Япония солиқ маданияти энг юқори мамлакат саналади. Сабаби, ушбу мамлакатда солиқ ҳақидаги тушунчалар фуқароларга ёшлик жараёнидан бошлаб сингдириб борилад экан. Сизнингча, мамлакатимизда фуқароларимизнинг солиқ муносабатларига муносабатларини яхшилаш ва солиқ маданиятини ошириш учун яна нимага эътибор қаратиш керак?

Дилшод Юлдашев: Биз солиқ маданиятини оиладан, кейин таълим даргоҳларидан бошлашимиз керак. Фуқароларимиз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билмасалар, солиқ муносабатларига онгли муносабатда бўлмайдилар. Хабарингиз бор, кунини кеча ҳурматли президентимиз йиғилишда: “Солиқ тўлаш – мажбурият эмас, конституциявий бурч”-дея таъкидлаб ўтди. Шунга кўра, солиқ тўлаш мажбурият эмас, конституциявий бурч

эканини ҳеч ким унутмаслиги керак. Ҳақиқатан, айтиб ўтиш лозим, Конституция-мизнинг 63-моддасида “Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлаши шартлиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, солиқ ва йиғимлар адолатли бўлиши ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишига тўсқинлик қилмаслиги керак” деб фуқароларнинг қонун билан солиқ қонунчилигидаги ҳуқуқи ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Юртимизда солиқларни ўз вақтида тўламаслик – маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилишни кўзда тутувчи бир қанча нормалар билан ўлланади.

Мухбир: Ходимлар ва фуқаролар билан ишлашда қандай тамойилларга асосланасиз?

Дилшод Юлдашев: Мен учун уларни тинглаш жуда муҳим жараён. Чунки шу орқали камчиликларни бартараф этиш, уларнинг муаммосини ҳал қилиш осон кечади. Тадбиркорларнинг турли мурожаатлар билан вақтни бой бериб келиб-кейтиши ўрнида, телеграм тармоғи орқали мурожаатлар қабул қилиниб, баҳолиқудрат ҳал этилмоқда. Жумладан, шу ойнинг ҳисобига 725 730 га яқин мурожаатлар келиб тушди ва ўз назоратим остида ечим топди.

Мухбир: Сизни вилоят теннис федерацияси раиси сифатида ҳам биламиз. Бу борада бевосита вилоят Солиқ бошқармаси биносидида жойлашган спорт залида бетактор машғулотлар, қизгин мусобақалар ўтказилаётганидан хабардоримиз.

Дилшод Юлдашев: Стол тенниси залида барча имконият, қулайликларни яратдик. Шароитлар етарли. Спортчиларимиз ҳам шунга монанд ҳавас қиларли натижалар кўрсатишмоқда. Ҳар куни соат 16:00 дан 18:00 га қадар стол теннисига иштиёқмандлар келиб шуғулланиши ва турли мусобақаларда иштирок этиши ҳам мумкин. Ходимларимиз ҳам иш вақтидан биров бўш вақтларида теннис билан машғул бўлиб, чиниқиш имконига эгалар. Ўзим ҳам бўш вақтим бўлганда, залга келиб тураман. Ходимларнинг самарали фаолият юритишида уларнинг спорт билан ҳам ҳамнафас бўлишаётгани ўз ижобий натижасини кўрсатмоқда. Бир сўз билан айтганда, спорт билан шуғулланиб туриш – ходим учун ҳар томонлама мотивация.

Мухбир: Солиқ тизимида ишлаш истагида бўлган ёшларга қандай талаблар мавжудлиги хусусида тўхталиб ўтсангиз.

Дилшод Юлдашев: Солиқ тизимида ишлаш истагида бўлган ва умуман, ишга қабул қилинаётган ёш ва янги кадрлар “Аргос” орқали бериладиган тест синовларидан ўтишадди. Уларнинг солиққа оид билими инобатга олинади.

Мухбир: Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз? Китоб ўқишга вақт топасизми?

Дилшод Юлдашев: Бўш вақтим жуда ҳам кам. Шунга қарамай, унинг бир қисmini оиламга, бир қисmini китобхонликка сарфлайман. Газета ҳам ўқиб тураман. Ижтимоий тармоқларни кузатишга вақт ажратаман. Ҳа, айтмоқчи, “Вухоро yoshlari” газетаси доимо столим устида туради. Ҳар бир сонини қолдирмай ўқийман.

Мухбир: қизиқарли ва мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Дилшод Юлдашев: Газета ишига муваффақият, жамоага бардавом зафарлар тилайман.

Суҳбатдош: Зулфизар Мавлонова



Фарзанд тарбияси муҳим ва масъулиятли вазифа. Бунда китоб ўқиш ва таълим олишнинг ўрни беқиёс. Аммо, соғлом фарзанд тарбиялаш учун уни спорт билан ошно қилиш муҳимдир.

СПОРТ ҲАМ ТАРБИЯ МАКТАБИ

Бола спорт билан шуғулланса, унда нафақат, соғлом тана, фаол ҳаракат балки, феъл-атвор ҳам шаклланади. Шунингдек, интизом ва масъулиятни ўргатади. Бола ҳар бир ҳаракат ортида таҳлил, ҳисоб-китоб ва англашни ўрганади. Масалан, гимнастикада мувозанатни ушлаш, шахматда эса тўғри қарор қабул қилиш зарур. Бу билимлар мактаб дарслигидан ҳам кўпроқ ҳаётий тажриба беради. Спорт болани интизомга ўргатиши билан бирга, унинг вақтни қадрлаш қобилиятини ҳам шакллантиради. Машгулотга кечикмаслик, вазифани ўз вақтида бажариш – бу бола учун кундалиқ қоидага айланади. Кўпинча, спортчи болалар дарсларга ҳам масъулият билан ёндашишади. Чунки, улар аллақачон мураббий қаршисида ўз вақтида юриш, қийинчиликка бардош бериш, норозиликсиз ҳаракат қилишни ўрганиб улгурган бўлади. Ёш спортчи ҳар доим ҳам биринчилкни эгалламаслиги мумкин, бироқ, ҳаёт ҳақида сабоқ олади. Сабрни, сабабни тушунишни, қайта уринишни ўрганади. Бу эса ҳар қандай қийинчиликка руҳан тайёр бўлиш демакдир.

- Спортни бола учун ортиқча машаққат эмас, катта имконият, деб қабул қилиш керак. Бизнинг давримизда спорт билан шуғулланиш учун оиламизда шароит етарли бўлмаган. Аммо, спортни жуда яхши кўрдим. Бўш вақт топдим, дегунча турли машқлар қилардим. Ҳар тонг ҳовлимизни тўрт мартаба югуриб айланиб чиқардим. Спорт соғлигимга фойда эканлигини билардим-да, - дейди бувим ёшликни эслар экан.

Ҳа, ростдан ҳам спорт танани чиниқтириб, соғлом фикрлашга ундайди. Шунинг учун ҳам спортни “жисмоний куч” эмас, балки “инсоний куч” тарбияловчиси, деб аташ мумкин.

Гулруҳ Сатторова

Ҳикоя

Эргаш ака кеча роса ичкиликка бўкиб, зўрға уйга келди ва ташқаридаги қаравотда ухлаб қолди. Эрталаб кўзини очганда, катта қизи унга қараб йиғлаб қараб турарди.

- Дада, нега ичасиз? Ёки ўғлингиз бўлмагани учунми? Бизни ва ойимни кечиринг,- деди пиққиллаб кўз ёш тўқаркан.

- Нега ундай дейсан, қизим, нега сизларни кечиритим керак. Бошқа бу гапларингни айтма, - дея Эргаш ака қизни бағрига босди.

Эргаш аканинг уч нафар қизи бор. Кенжа қиз туғилганда, хотинидан ажралиб қолишига бир баҳа қолганди. Шундан кейин хотинига: “Бошқа фарзанд кўрмаймиз. Менга сенинг соғлигинг муҳим. Ўғил туғиб бермадинг, деб юзингга ҳам солмайман”,-деб айтганди. Хотинига шу гапларни айтган бўлса ҳам, ичидан ўғли йўқлигини ўйлаб, баъзан қаттиқ хўрсиниб кўярди.

Эргаш ака уста бўлиб ишлайди. Курилишда оғир меҳнат қилиб, оиласини боқади. Оз-моз пул жамғариб, уйини ҳам тиклаб олганди. Устачилик мавсумий иш бўлиб, қишда бекор қоларди. Шу сабаб қўшимча ишлашга ҳаракат қилар лекин, қўлидан фақат устачилик келарди, холос. Ҳар тугул, жуда пулга зориқиб қолганларича йўқ.



ТҮЙГА КЕЛИНГ!

Кунларнинг бирида ишга борса, шериклари бир ёш болани шогирдликка олишганини айтишди. Бола кўринишидан ўн етти ёшлар атрофида. Айтилган ишни тезда бажарадиган, абжир чиқиб қолди. Шогирд бўлгани учун кунлик арзимаган пул олса ҳам, меҳнатдан қочмасди. Эргаш акага боланинг шу хислати ёқиб қолди. Унга иложи борица ишнинг сир-асрорларини ўргатарди. Ишни айтгандай қилолмаса уришиб ҳам қўярди.

Бу бола улар билан икки йил

ёзги таътил вақтида ишлади.

Эргаш ака бўлса, энди бу болага шогирддек эмас, ўғли сифатида қарайдиган бўлди. Энди унга жуда ҳам оғир ишларни буюрмас, уришиб-сўкишларни ҳам бироз камайтирганди. Иложи борица унга ҳаёт сабоқларини беришга ҳаракат қиларди.

Бир куни ишга келишганда, шогирд билан яна бир шериги олдинроқ келиб бўлган экан. Кийимини алмаштириб, ишни бошлайман деганда, шериги гап бошлаб қолди:

Ватанимни яхши кўраман! Унинг ҳар қаричини ҳар дақиқада эслайман. Яқинларимнинг мени кутаётган юракларига талпинаман. Аммо, оила ташвиши, рўзгор юки ва яхши яшаш мақсадида ўзимга ёт бўлган кўчаларда кун кечираман. Бегона юртда ишлаб, тер тўкишнинг кўп дарслари бор экан. Биринчи навбатда ҳеч кимнинг ёрдамига суянмаслик кераклигини, ўзингга ўхшаган мусофирларга имкон қадар ёрдамлашиш инсоний фазилатлигини англайсан. Шароитсиз жойларда шароит яратиб, имконсиз вазиятларда имкон топишга мажбур бўлиб қоларкан, киши. Баъзан барига қўл силтаб кетгинг келади-ю чўнтакнинг бўшаб қолиши дилни хира қилади. “Ўз юртингда бориға қаноат қилиб яша!” дейдиганларга жавобим: “Фарзандингиз тенгдошининг қўлидаги ширинлигига ҳавас қилса-ю, сиз олиб беролмасангиз, ота-онангиз қовурилган гўшт ейишни истаса-ю, сиз топиб беролмасангиз, ўша қаноат қилиб яшаётган ҳаётингизда қотган нон ҳам томоғингиздан ўтмайди. Мен юртимда ишлаб топадиган даромад харажатларимдан кам, орзу-ўйларим, оила аъзоларим эҳтиёжларига етмайди. Шунга ўхшаб тўсиқлар “туртки”си билан хорижда ишлайман. Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида жойлашган “Реннисанс” фирмасида металл-конструкция йўналишида иш фаолиятини олиб борапман. Ҳар гал кўлимга қалам олсам, кечинмаларимни шеърларда ёзиб қолдираман:

Мусофир йигит: “ВАТАНИМНИ ЯХШИ КЎРАМАН!”

Мусофирга сабр бер

Дарду аламларин ичига ютар,
Не-не синовлардан қийналиб ўтар.
Бахтли онларини интиқиб кутар,
Мусофирга сабр бер!

Кенг-тор кўчаларда мунғайиб кезар,
Олисларда соғинч юрагин эзар.
Гоҳо ташвишлардан кўнгли ҳам безар,
Мусофирга сабр бер!

Меҳнатдан қўллари қавариб борар,
Йиллар сайин сочи оқариб борар,
На илож, ризқини ахтариб борар,
Мусофирга сабр бер!

Кўзларидан оқар аччиқ жоласи,
Дийдорин кўмсаса агар боласи.
Дилларни титратар мунгли носаси,
Мусофирга сабр бер!

Фарзандларин эслаб хавотир олар,
Хаёллари бедор, ўйлардан толар.
Қалбини армонлар чертиб, куй чалар,
Мусофирга сабр бер!

Авайлар олтинга тенг бўлган вақтин,
Мақсадиға содиқ, бузмайди аҳдин.
Йироқларга излаб кетганда бахтин,
Мусофирга сабр бер!

Бу ҳаётда орзу-умиди бисёр,
Дунё бўлганида кўзларига тор.
Роббим, ўзинг бўлгин дейди мадақдор,
Мусофирга сабр бер!

Соғиндим

Дилда қолди армонлар,
Яхши-ю ҳам ёмонлар,
Давом этар замонлар,
Мен сени кўп соғиндим.

Бўйим осмон бўйламас,
Севганим ҳеч ўйламас,
Орзулар не гулламас?
Мен сени кўп соғиндим.

Ҳаётимнинг маъноси,
Гўзалларнинг танҳоси,
Санамларнинг аълоси,
Мен сени кўп соғиндим.

Ҳеч ким сендек бўлолмас,
Дардларимни ололмас,
Дилга қувонч сололмас,
Мен сени кўп соғиндим.

Кўзим тушиб кўзингга,
Мафтун эдим ўзингга,
Тўймапман юзингга,
Мен сени кўп соғиндим.

Жавоби йўқ саволда,
Охири йўқ хаёлда,
Сенсиз мен бир аҳволда,
Мен сени кўп соғиндим.

Алвидо, дер тилгинам,
Унутолмас дилгинам,
Олис кетган гулгинам,
Мен сени кўп соғиндим.
Ёдинг билан овундим...

Жалолиддин Ёриев,
Самарқанд

Жажжи

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ

Белгиларим олгин ёд,
Улар берар маълумот.
Ҳаммаси турли жойда,
Билсанг ўзингга фойда.

Яқин бўлса мактаб, боғча,
Ё болалар маскани.
Сариқ белгини кўриб,
Тўхтади ҳайдовчи.

Пиёда, сен ҳам шошма,
Шуни доим ёдда тут.
Кесиб ўтмагин зинҳор,
Ер ости йўлидан ўт.

Неъматилло Фатиллаев,
Бухоро шаҳридаги 22-умумий
ўрта таълим мактаб ўқувчиси.

ОНАЖОНИМ

Айтиб ширин аллалар,
Қувонч, меҳр берар.
Ҳам бойлик, ҳам бахт тилар,
Онажонимдир менинг.

Меҳрожбек Муҳаммадов,
Бухоро шаҳридаги 31- умумий
ўрта таълим мактаб ўқувчиси.

Аслиддин Райимов

“ҚИЗ” БОЛА НИҚОБИДАГИ ЙИГИТ



– Роса қийналиб кетди-и-им, оила, рўзгор ташвишларидан эзилдим. Кўзларимни “чирт” юмиб, бирорта хориж давлатига кетсаммикин? Пулсизликдан, чорасизликдан қийналдим. Яшашдан ҳам умидим қолмади, – телефон орқали йиғлаб сўзлади “қиз”.

– Йўқ, ундай қилма, Гулим, мен сенинг муаммоларингни бугуноқ ечаман. Фақат сен ўзингни қўлга ол!– деди Раҳмон ва “қиз” жўнатган пластик карта рақамига салкам 152 миллион сўм пулларни ҳеч иккиланишларсиз ўтказди...

Ғиждувонлик фуқаро Раҳмон Умаров ўзини “Гулноза Олимова” деб таништирган қиз билан 2-3 ойдан буён узлуксиз телефон орқали мулоқотда бўлиб келган. Қўнғироқдай овози ва телеграм тармоғи орқали жўнатган бетак-рор суратлари билан фикри-ўйи, хаёлларини ўғирлаган қиз, ҳатто, уни ақлдан оздираркан. Қиз ўзини Халқаро Навоий аэропорти авиакассасида ишлашини, Навоий шаҳрида ижарада яшаб келаётганини айтган.

Кунларнинг бирида “қиз” йигитга қўнғироқ қилиб, ижара пулини бера олмаётганини, уй эгаси уни уйдан чиқариб юбормоқчи бўлаётганини айтиб, Раҳмон Умаровда раҳм ва ачиниш туйғусини оширган. Пластик карталарига зудлик билан пул тушириб беришини илтимос қилиб, йиғлаган. Раҳмон Умаров салкам 152 миллион сўм пулларни ҳеч эътирозларсиз унинг томонидан юборилган пластик карталарга кўчириб берган.

Орадан кўп ўтмай, Раҳмон Умаров узоқ вақтдан буён телефон орқали мулоқотда бўлиб,

ҳатто, унга ипсиз боғланиб қолган севгилиси аслида, “қиз” эмас, 28 ёшли эркак эканини билиб қолган. Ва ўзининг алданиб, бир фирибгарга “чув” тушгани ҳақида ҳуқуқ-тартибот



идораларига маълум қилган. Ҳолат юзасидан олиб борилган тергов ва суд-тергов ҳаракатлари давомида ҳақиқатан ҳам “Гулноза Олимова” қиз бола эмас, аслида қашқадарёлик Фарид Ботиров бўлиб чиққан. Ўрганилишича, айбдор фирибгарлик йўли билан қўлга киритган пулларнинг фақатгина 25 миллион сўминигина ўз эгасига қайтара олган. Қолганини ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

– Жиноят ишлари бўйича Қоролубозор туман суди томонидан кўриб чиқилган ушбу суд иши айбдорга нисбатан Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 168-моддаси (Фирибгарлик) ни қўллади. Бухоро вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси ҳам айбдорга берилган жазони ўзгаришсиз қолдирди. Фарид Бо-

тировга нисбатан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланилди. У жазони умумий тартибли колонияларда ўтайдиган бўлди. Жиноятчи ўз қилмишига яраша жазосини олди. Бироқ, фуқароларимиздан ижтимоий тармоқлардан фойдаланаётганда, эҳтиёт бўлишликни, ҳар хил найранг ва алдовларга ишонмасликларини сўраб қоламиз, – деди Бухоро вилояти суди судьяси Нозимжон Жўраев.

Манзилга етиб бориш учун автоуловни бошқараётган ҳар қандай шахс, аввало, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиши, олдинда уни ўз ва ўзгалар ҳаёти, саломатлиги турганини унутмаслиги керак.



МАСТ ҲАЙДОВЧИГА СУД ҲУКМИ ЎҚИЛДИ

Маълумки, ички ишлар органлари йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари томонидан йўл ҳаракати қоидаларини бузган фуқаролар иши судларга оширилади. Йўл ҳаракати қоидаларини турли даражада бузган ва уларга амал қилмаган бундай фуқароларнинг хатти-ҳаракатлари судда кўриб чиқилади.

Яқинда Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судида кўриб чиқилган ҳуқуқбузарлик ҳолати бир ҳайдовчининг 15 сутка қамоқ жазосини ўташига етаклади.

Ҳолатга кўра, Бухоро шаҳрилик 30 ёшли фуқаро М.Б. ўзига тегишли бўлган “Матиз” русумли автомобилани йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмаган ҳолда ҳаракатлантирган. Автомашини ИИБ ЙҲХБ ходимлари томонидан тўхта-тилган. Алкотестор мосламасидан ўтказилганида, М.Б.нинг спиртли ичимлик истеъмол

қилгани аниқланган. Аввалига “мен ичмаганман, алкотестор мосламаси нотўғри чиқаряпти” дея чиранган ҳайдовчи кейин эса айбига иқроор бўлди ва қилмишини тан олди.

М.Б. Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 131-моддаси, 2-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган, деб топилди. Унга нисбатан шу модда билан 15 сутка маъмурий қамоқ олиш жазоси тайинланди. Ундан ташқари, Бухоро вилоят ИИБ ЖХХ ва ЖТСБ махсус қабулхонаси фойдасига 843 750 сўм қамоқ харажатлари ҳам ундирилди.

Манзилга отланаётган ҳар бир ҳайдовчи унинг қаршисида ўзи ва ўзгалар тақдири ётганини ҳеч қачон унутмаслиги керак.

Малик Бобоев,
Жиноят ишлари бўйича
Бухоро шаҳар суди судьяси.

ЖИЯН ТОҒАСИНИНГ УЙИГА “ТУШДИ”

Қорақўл туманилик У.Ш. ўз тоғаси Х.А.нинг яшаш хонадонига ғайриқонуний равишда кириб, уйнинг жавонида бўлган 6 800 000 сўм пулларни олиб, ўғрилик жиноятини содир этган.



Жиноят ишлари бўйича Қорақўл тумани суди раиси Бобораҳим Очиловнинг билдиришича, ўғрилик кечки пайт содир этилган. У.Ш. тоғасига тегишли пулларни унинг уйининг қаерида сақланишини билгани учун ҳам ўғрилигидан “из” қолдирмаган. Ва тоғасининг уйдан чиқиб, яширин равишда олган пулларининг маълум қисмини қарзларини “ёпиш”га сарфлаб юборган.

Бир неча соат ўтгач, Х.А. хонадонига қайтган ва ўғрилик юзага келганини хаёлига ҳам келтирмаган. Орадан бир неча кун ўтгач, Х.А. онасидан 5 бош қўйларини сотиб, Россия федерациясига ишга жўнаб кетиш учун салкам 7 миллион сўмга яқин пулларни уйининг ички хонасидаги жавонга қўйганини, шу пулларни олиб чиқиб беришини сўраган. Х.А.нинг онаси эса бироздан сўнг ўғ-


лига жавонда ҳеч қандай пул йўқлигини, негадир, жавон тартибсиз ётганини айтган. Она ва ўғил меҳнат қилиб топган барча пуллари ўмариб кетилгани, лекин, ўғрининг шахси ким эканини билмай, хавотирга тушишган. Ишчи ишлар органларига мурожаат қилишган.

– Афсуски, уйимизни “урган” ўз жияним бўлиб чиқди,–деган Х.А.

Маълум бўлишича, У.Ш. тоғасининг уйдан ўғирлаб олган пулларини ўзи яшаб келаётган ҳовлининг мол-хонасига кўмиб қўйган ва у ердан ўз эҳтиёжлари учун керак бўлганда олиб, сарфлаб келган. Бундан ота-онасининг хабари бўлмаган.

Тоға ўз жиянининг қилмишини кечирган бўлса-да, У.Ш.нинг хатти-ҳаракатлари қонун олдида жавобсиз қолмайди.

– У.Ш.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди,–дейди суд раиси.



Хорижга бориш ва мўмайгина даромад топишни ким ҳам истамайди, дейсиз? Кейинги пайтларда минглаб одамлар огоҳлантирилишларига қарамай, фирибгарларга “чув” тушиб қолишаётгани кишини ўйлантиради.

ФИРИБГАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Вобкент туман фуқароси Д.Т. бир эмас, 23 нафар одамни ўз сўзига ишонтира олган. “WPI” МЧЖ раҳбари қўплаб одамларни хорижга ишга жойлаштириш ваъдасини берган. Бу билан қўплаб фуқароларнинг орзу-умидларини суиистеъмол қилган. 2023-2024 йиллар давомида у 23 нафар фуқародан катта миқдорда пул олиб, осон даромад олишни “режа” қилган.

Бироқ, Д.Т.нинг фаолияти ҳеч қандай рухсатнома ва лицензияга асосланмаган бўлган. Жабрланувчилар орасида бутун жамғармасини сарфлаган, ҳатто, қарз олиб тўловни амалга оширганлар ҳам бор. Иш излаб, яхши келажак умидида

пул берган бу инсонлар алдов қурбонига айланишди.

Суд жараёнида Д.Т.нинг ёлғиз ҳаракат қилмагани, ушбу жиноятда бошқа шахсларнинг ҳам қўли борлиги аниқланди. Д.Т.нинг адвокати уларнинг ҳам қонуний жавобгарликка тортилишини сўради. Суд эса барча далилларни ўрганиб, айбланувчининг ишини тўлиқ исботлади. Ва биринчи инстанция суди ҳукмини ўзгаришсиз қолдирди. Фирибгар ўз қилмишининг қонуний жазосини ўтайдиган бўлди.

Нозимжон Жўраев,
Бухоро вилояти суди судьяси.

“Бухоро вилояти телерадиоканали” давлат муассасаси
директори Обид Шабанов билан эксклюзив суҳбат

“...ЖУРНАЛИСТНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ

ХОЛИСЛИКНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ...”

(давоми, боши 4-бетда)

Суҳбатимиз якунланиб борар экан, устоздан журналистикани танламаганларида қайси касб эгаси бўлишлари мумкинлигини сўрадик:

- Ҳеч иккиланмай шифокорликни, асосан, болалар шифокори бў-

лишни танлаган бўлардим. Чунки, болалигимдан шу соҳага қизиққанман. Ростини айтсам, синов учун хужжат топшириб ҳам кўрганман ва фанларни ўзлаштириш билан боғлиқ томонлари бўлгани боис, ўзимни журналистикага йўналтирганман. Менимча, мендан ёмон шифокор чиқмаган бўларди.

МАЪЛУМОТ ЎРНИДА:

Аслида, мазкур суҳбат айнан узоқ йиллик тажрибали журналист, Бухоро телерадиокомпанияси директори Обид Шабанов ҳаёти ва фаолияти ҳақида бўлиши керак эди. Бироқ, устоз журналистнинг “менлик”дан йироқ кўнгли устун келди. Мавзунини телевидение билан боғлашимизни сўради. “Телерадиокомпаниядаги ҳар бир журналист фаолияти ортида бутун жамоанинг меҳнати ётади”,-деди у.



- Журналистикани танлаганингиздан ҳеч афсусланмаганмисиз?

- Афсусланмаганман, зеро, журналистикада жонли ҳаёт бор. Телевидение бу катта “цех”. Ҳар бир кўрсатув ортида камида 10 кишилик жамоанинг меҳнати ётади. Бугун мен ҳақимда лавҳа ҳамда мақола тайёрлашни мақсад қилган экансизлар, мен буни жамоам билан биргаликда баҳам кўришни маъқул билдим. Чунки, жамоасиз натижага эришиш имконсиз.

Мен уларнинг ҳар бирини меҳнатини қадрлайман ва улуғлайман. “Buxoro yoshlari” газетаси ва Бухоро телерадиокомпанияси ўртасида, менинг назаримда, бугун самимий муносабатлар ўрнатилганини таъкидламоқчиман. Бу эса истаган пайтимизда мурожаат қилиш ва мутолаа қилиш имконини беради. Ҳар гал турли янги ёндашувлар асосида иш олиб борасизлар. “Buxoro yoshlari” газетасини, нафақат, босма нашрда, қолаверса, ижтимоий тармоқлар орқали ҳам



ўқишимиз мумкин. Айниқса, кейинги пайтларда газетанинг видеоформатга ҳам ўтгани, бевосита газетхонларнинг босма нашрда берилган QR орқали ушбу видеотасвирларни ҳам томоша қилиш имкони яратилгани бизни ҳам қувонтирди, ҳам ҳайратлантирди. Кичиккина ёшлар жамоасидан таркиб топган ижодий жамоанинг катта изланишларига омадлар тилайман.

- Суҳбат учун катта раҳмат.

ЗулфиЗАР суҳбатлашди.

Умиджон Умаров: “ЭЪТИБОРГА МУҲТОЖЛАР ТАҚДИРИГА БЕФАРҚ ҚАРАЛМАЙДИ”



(давоми, боши 2-бетда)

Бошқарма бошлиғи кейинги пайтларда кўплаб оилаларда ёлғиз кексалар ва жисмоний нуқсонли бўлган шахсларга нисбатан тазйиқлар ўтказилаётгани, камситилаётгани хусусида сўзлади. Унга кўра, биргина вилоятнинг ўзида ўзгалар парваришига муҳтож 871 нафар ёлғиз кекса рўйхатга олинган. 92 нафар ижтимоий ходим



ассистентлари бириктирилиб, кундалик ҳаётларида ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Яқин қариндошлари бўлмаган 510 нафар шундай шахс-

лар компенсация нафақалари билан қамраб олинган.

“Ногиронлиги бўлган 1 762 нафар фуқаро иш билан таъминла-



ниб, 552 нафар ёшлар параспортга жалб қилинган. Маълумки, 2024 йилдан протез-ортопедия мосламаларини “Ўзум Маркет” орқали ваучер асосида харид қилиш имконияти яратилган. Бугунги кунга келиб, жами 2 116 нафар ногиронлиги бўлган шахслар протез мосламалари ва реабилитация воситалари билан таъминланди. 4 481 нафар эҳтиёжманд фуқароларнинг

215 нафарига ногиронлар аравачаси, 90 нафарига эшитиш мосламаси, 281 нафарига протез ортопедия мосламалари, 328 нафарига реабилитация воситалари, дори-дармонлару, моддий ёрдамлар кўрсатилди”,-дейди суҳбатдош.

Маълум бўлишича, жорий йилда 5 229 та оилага ижтимоий иш, яъни “кейс” очилиб, уларнинг эҳтиёжлари ўрганилган ва 94 942 та индивидуал режа ишлаб чиқилган.

“Шу ўринда айтиб ўтмоқчиманки, бизнинг давлатда ҳеч бир жисмоний нуқсонли бор, эътиборга муҳтож шахслар тақдирига бефарқ қаралмайди. Лозим бўлса, тенгсиз шароит ва имкониятлар яратиб берилади. Бироқ, жисмоний нуқсонли бор шахсларнинг оилада қадр топмаслиги, фарзандлар томонидан тазйиққа учраши, ота-оналар томонидан камситилиши жуда ачинарли ҳолат. Бундай вазиятда ноқобил ота-оналар ҳам, меҳрсиз фарзандлар ҳам ўз хатти-ҳаракати учун қонун олдида жавоб бериши керак”,-дейди Умиджон Умаров.

MUASSIS :
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
YOSHLAR ISHLARI
AGENTLIGINING BUXORO
VILOYATI YOSHLAR ISHLARI
BOSHQARMASI

Bosh muharrir :
Laylo HAYITOVA

Gazeta Buxoro viloyati Matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan
2017 yil 15 dekabrda 05-081 tartib raqami bilan ro'yxatga olingan.

BOSH HAMKOR:
O'zbekiston yoshlar ittifoqi
Buxoro viloyati Kengashi

TAHRIR HAY'ATI:

Shavkat Rahmonov
Baxtiyor Adilov
Mirali Hamroyev
Mirshod Ochilov
Dilshod Yo'ldoshev
Jamol Nosirov

TAHRIRIYAT MANZILI:
Buxoro shahri, Alisher Navoiy
ko'chasi, 20-uy.

TAHRIRIYAT HISOB-RAQAMI:
20210000404114165001 “Agrobank”
Buxoro shahar filiali, MFO: 00089, OKONX:
87100, STIR: 203590296
Nashr ko'rsatkichi: 3051

ISSN 2181-6557



**SAHIFALOVCHI -
DIZAYNER:**
Xurshid Abdullayev

Gazeta “Photo Express” XICH ofset
usulida 1407 nusxada chop etildi.

Bosmaxona manzili:
Qarshi shahri, Mustaqillik
shox ko'chasi, 22-uy

Navbatchi muharrirlar:
Zulfizar Mavlonova
Dilnavoz To'xtayeva

Hajmi 2 bosma taboq. Qog'oz bichimi A-3. -buyurtma.
Topshirildi — 10:00. Chop etish vaqti: 11:00
Bahosi kelishilgan narxda 23.06.2025 yil

www.buxoro-yoshlari.uz sayti orqali biz bilan birga buling.